

**ОЧИҚ МАЙДОНЛАРГА ЭКИЛАДИГАН ПОМИДОР ЭКИНИНИНГ  
АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАСИ ПОМИДОР КУЯСИНИНГ  
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Баходиров Улуғбек Зокиржон ўғли  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институти, мустақил тадқиқотчиси

**BIOECOLOGICAL PROPERTIES OF TOMATO MULE, THE MAIN PEST  
IN THE CULTIVATION OF TOMATOES GROWN IN OPEN FIELDS**

Bahodirov Ulugbek Zokirjon ogli  
Andijan agriculture and agrotechnologies

Institute, independent researcher

**Аннотация:** Ушбу мақолада Очиқ майдонларга экиладиган помидор экинининг асосий зараркунандаси помидор куясининг биологик хусусиятлари, зарари ҳамда унга қарши уйғунлашган кураш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўз:** помидор куяси, помидор, картошка, зараркунанда, кемирувчи.

**Annotation:** This article provides information on the biological properties of tomato moth, the main pest of the tomato crop grown in open fields, its damage and methods of combating it.

**Key words:** tomato moth, tomato, potato, pest, rodent.

Очиқ майдонларга экиладиган помидор экинининг хосилдорлигини оширишда асосий омиллардан бири касаллик ва заракунандалардан ўз вақтида ва сифатли ҳимоя тадбирларини бажаришдир. Охирги йилларда турли кемирувчи ва сўрувчи зараркунандалар помидор экинига катта зарар етказмоқда.

Куялар ёки ўмиз қанотлилар оиласининг турлари кўп улар майда умуман кулранг аниқ расмлари бўлмаган капалаклардир. Орқа қанотлари учи чўзик

ва ташқи чети ўмизлаган. Қуртларнинг қоринча оёқлари бор улар товони дастали. Қуртлар поя, мева ва буралган баргларда ғовак ясайди. Ғумбаклари қоринча тергитларида тиканчалар йўқ, мўйлови узун уларнинг учлари туташиб туради. [1].

Помидор куяси - асосан помидор, картошка, бақлажон итузум, ёввойи помидор, ва тамаки экинларини зарарлайди. Бу хашаротнинг капалаги асосан кечкурун ҳаракатланади. Бир йилда 6-12 мартагача авлод бериб кўпаяди. Помидор куяси баргнинг (бир текисда) паренхима тўқималари билан озиқланиб, унинг орқа ва олд томонидаги эпидермис қатламинигина қолдиради [2].

2015-2016 йилларда айрим иссиқхоналарда ҳамда очик далаларда сабзавот (помидор) экинларини биз учун номаълум бўлган помидор куяси зарарлаётганини гувоҳи бўлдик. Маълумки бу зараркунанда биринчи марта 1917 йили Перу давлатида топилган. 1960 йилгача Чили Колумбия ва Аргентинада 1970 йилдан сўнг эса Боливия Парагвай ва Уругвайда помидорни зарарлаб кўпайган. Бразилияда эса 1979 йилда биринчи мартаба учраб экинларга сезиларли даражада зарар келтира бошлаган [3].

Охириги йилларда олиб борилган мониторинг маълумотларга кўра помидор ўсимликларига асосан: кузги тунлам ниҳоллик даврида ширалар трипслар (Трипс табаси Линол), помидор куяси, касалликлардан; фузариоз сўлиш, фитофтороз, резактониоз, вируслар ва бошқалар томонидан кучли зарар келтириши аниқланган. Помидор етиштириш: илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 56 б.[4]

Андижон вилояти шароитида очик майдонлардаги помидор экинида 2020-2021 йилларда ўтказилган тадқиқотларда юқори иқтисодий ҳавфга эга зараркунанда турлари аниқланди ва улар ичида Помидор куяси мавсумда экинзорларда учраш даражаси ҳисобга олинди. Бунда энг юқори популяция ҳосил қилган турлардан бири Помидор куяси эканлиги аниқланди.

**ПОМИДОР КУЯСИ** Помидор куяси очик далаларда помидорнинг бутун ўсиш даврида, айниқса, парваришlash агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаган майдонларда уларнинг зарари кўпайиб, ўсимликларнинг ўсиш нуқтасидаги куртаги, шунингдек, барглари, поялари ва мевалари, айрим ҳолларда поянинг илдиз бўғзиларини зарарлайди. Шунинг учун ҳам жорий йилда республикамизнинг фермер хўжаликлари помидор майдонларида ушбу зараркунанданинг кўпайиши натижасида, ҳосилдорликка жиддий зарар келтираётгани кузатилади. Етук урғочи зотлари 10-15 кун, эркаги 6-7 кун яшайди. Узунлиги 5-7 мм, канот ёзганида 8-10 мм, туси кўнғир ёки кумушсимон, олд канотларида характерли қора доғлари бор, мўйловлари ипсимон. Зараркунанданинг мўйловлари, олд канотларида кумушсимон-кулранг тангачалари ҳамда ўзига хос қора доғлари мавжуд бўлиши уни аниқлашда ишлатиладиган энг муҳим белгилардан ҳисобланади. Ушбу зараркунанданинг биологик потенциали жуда юқори бўлиб, 250-300 тагача тухум қўяди ва йил давомида 10-12 тагача авлод беради. Бир авлоднинг ривожланиши 29-32 кун давом этади. Помидор куяси капалаги мустақил яхши уча олади, у жуда сезгир ва чакқон бўлганлиги учун шамол ёрдамида ҳам узок масофаларгача тарқалиши натижасида бу зараркунанда катта майдонларга тарқалиб помидор экилган майдонларда тарқалиш ареали кенгайиб бормокда.

**Кураш чоралари:** Мамлакатимиз вилоятларида, хали помидор куяси учрамаган худудларга зараркунанда тарқамаслиги учун асосан зарарланган мева (помидор, болғари, бақлажон) ва кўчатлар билан ўтишини ёдда тутган ҳолда карантин чораларига амал қилиш. Помидор куясининг феромон тутқичларидан фойдаланиб, хар бир гектар майдонга ўсимликдан 0,5 м юқори қилиб 1-2 тадан ўрнатиб унинг пайдо бўлиш муддатлари ҳамда зичлигини аниқлаб уйғунлашган кураш чораларини қўллаш

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. 23 Арсланов М.Т., Сағдуллаев А.У., Алиев Ш.К. “Ўсимликлар карантини зараркундалари тарқалишини олдини олиш” Тошкент 2017
2. 22 Арсланов М.Т., Алиев Ш.К. “ Қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркундалари касалликлари ва уларни ҳисобга олиш усуллари” Тошкент 2018
3. 91 Хакимов Р., Расулов Ф Такрорий сабзаёт етиштирилганда...// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали.-2016.№ 6.Б.10-11.
4. Помидор етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021.
5. Ш.Т.Хўжаев, О.А.Сулаймонов Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асослари 2019